



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Касби тумани 2023 йил 17 март 4-1805-2301/698-сонли иш

Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ғ.Р.Игамов раислигида, судья ёрдамчиси С.Қудратовнинг котиблигида, Касби туман прокуратураси даъвогар "██████████" АЖ манфаатини кўзлаб, жавобгар "██████████" фермер хўжалигидан 35 212 912 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили Н.Бахромов (ишочнома асосида) иштирокида, Касби туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Касби туман прокуратураси даъвогар "██████████" АЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида, Касби туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "██████████" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 35 212 912 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб, даъво бўйича тушунтириш бериб, даъвони қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакили иштирок этмади ҳамда даъво талаблари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмади.

Иш хужжатларида суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисидаги суд ажримининг палата ва жавобгарга етказилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

ИПК 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда суд ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим деб топади.

Суд, ишдаги мавжуд ва тақдим этилган далилларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларни баҳолаб, қуйидаги асосларга кўра, даъво талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолда мажбурият энергия таъминоти шартномасидан келиб чиққан.

ФК 236-моддасида мажбурият мажбурият шартларига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 10.01.2021 йилда даъвогар “Худудий электр тармоқлари” АЖ Касби электр таъминоти корхонаси ва жавобгар ўртасида электр энергия етказиб бериш тўғрисидаги коммунал шартнома тузилган бўлиб, шартномага асосан истеъмолчига электр энергиясини ажратган.

Шартноманинг 4.2-бандига асосан, истеъмолчи фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлашга мажбурлиги кўрсатилган.

Шартнома шартларига асосан даъвогар томонидан жавобгарга 35 212 912 сўмлик электр энергияси етказиб берилган. Ушбу ҳолат даъвогар томонидан тақдим қилинган 2022 йил 01 ноябрь ҳолатидаги ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасида (икки томонлама имзоланган) ўз аксини топган.

Бироқ, жавобгар томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар амалга оширилмаган.

ФКнинг 468-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шаҳобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

“Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига асосан электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиши, фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаши кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда суд даъво аризасининг асосий қарз ундириш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблайди ва уни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юклатилади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда суд, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 35 212 912 сўм асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати, республика бюджетига 704 258,24 сўм давлат божи ундиришни лозим топди.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий протсессуал кодексининг 118, 170, 176-180, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар "

электр тармоқлари" АЖ фойдасига 35 212 912 сўм асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўмлик почта харажати;

- Республика бюджетига 704 258,24 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида Касби туманлараро иқтисодий суди орқали Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Судья

Ғ.Р.Игамов